

**ARTICLE INFO**Received: 25th November 2022Accepted: 05th December 2022Online: 07th December 2022**KEY WORDS**

Ижтимоий фаоллик, таълим, ёшлар, ижтимоийлашув, фаоллик, фуқаро, фуқаролик позицияси, педагогика, баркамол, креатив, ислоҳот, ташаббускорлик, волонтиёрлик, компетенция, интеллектуал, мотивацыйон, эмоционал, тарбия, прогнозлаш, интеграция

ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ**О.Т.Абдуғаниев**

PhD, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий котиби
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7409224>

ABSTRACT

Мазкур мақолада ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришниң педагогик шарт-шароитлари таълим муаммосига ёндашувларниң таҳлили, компетенциявий таълим ривожланниб бориши мумкин бўлган билим, қўникма ва малакаларга эришилганлик даражалари, талабаларниң қобилиятларини баҳолаш жиҳатидан уларни яхши – ёмон мезонининг педагогик таъсир воситалари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар негизида мамлакатимизниң бугуни ва эртаси бўлган – ёшларни ижтимоий фаол фуқаро сифатида тарбиялаш долзарб масала сифатида илгари сурилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ижтимоий фаол баркамол ёшларни тарбиялаш масаласига тўхталиб ўтар экан: 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномаси[1]да: “жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар

томонлама етук, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллаган, азму шижаотли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз[1]” деган ушбу мурожаатлари замирида ҳам таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш-авлодни ижтимоий фаол фуқаро сифатида камол томиши мухим аҳамият касб этади[1].

Таълимда компетенциявий ёндашувнинг асосий қоидаларидан бири компетенцияни шахснинг субъектив сифати деб тушуниш мухим ўрин тутади. Бу ўқув фаолиятининг жамоавий хусусияти ва билимларни қатъий ижтимоий омиллар орқали ўзлаштирилишини, талабаларда ўқишниң субъектив мотивларига боғлиқ бўлган қўникма ва малакаларни



ишилаб чиқиш, ўқиш предметига муносабат, таълим олувчининг қобилиятлари ва тажрибасини инобатга олиш каби педагогик шарт-шароитларда намоён бўлади. Шу сабабли сўнгги йиллар давомида илмий тадқиқотларда тадқиқ этилаётган ишларни, ижтиомий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш таълим тизимида талабаларнинг ижтиомий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари орқали талаба шахсига таъсир этувчи сифатлар долзарб масала ҳисобланади.

Талаба шахсида индивидуал сифатларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларига тўхталар эканмиз аввало: қадимги хитой педагогик-аҳлоқий қарашларидан келиб чиқиб, таълим олувчига индивидуал хусусиятларнинг муҳимлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилган ва тарбия меъёрлари ва принциплари тўғрисидаги биринчи умумлаштирилган тасаввурлар орқали билим бериб борилган. Мазкур тасаввурлар педагогик фикрлар ва амалиётнинг келгуси ривожланиш асосини ташкил этган. Ушбу анъана антик даврда, жамиятда қабул қилинган «индивидуал ёндашув» тўғрисидаги қарашлар илк бор амалиётда қўллана бошлаган. Индивидуал ёндашув жамиятнинг педагогик фаолияти жараёнида янги давр илмий тадқиқотларида индивидуал ёндашув муаммоси ўзига хос шахсий мазмунга эга бўлиб борган. Уйғониш даври ва Янги асрда индивидуал ёндашув ғояси ижтиомий ҳаётнинг барча соҳаларида ифодалана бошлади ва инсоннинг индивидуал ўзини-ўзи англаш,

тушуниш, шахсий индивидуал ҳаётга бўлган эътиборни қучайтирди.

Талабаларда ижтиомий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари таълим муаммосига ёндашувларнинг таҳлили тадқиқот муаммосини ёритиб бериш учун бир қатор муҳим хulosаларга келиш имконини беради.

Биринчидан, компетенциявий таълим ривожланиб бориши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакаларга эришилган даражадан келиб чиқиши керак, аммо ёшларда мазкур даражада турлича намоён бўлади.

Иккинчидан, эришилган даражадан келиб чиқиб, мазкур даражани ҳар бир талабада аниқлаш талабини келтириб чиқаради. Чунки, компетенцияларнинг эришилган даражаси ташҳисини аниқлаш ўқитишининг ижтиомий таъсир этувчи шарти сифатида қараш лозим.

Учинчидан, ривожлантирувчи таълим талабаларнинг ривожланиш даражаларини тўғрилашга олиб келмайди, балки индивидуал сифатларини ривожлантириш шарти бўлиб хизмат қиласи. Бундан индивидуал сифатлар ривожланиш учун бошланғич жиҳат сифатидагина эмас, балки зарурат, бутун ўқиш даврида сақланиб қолиши назарда тутилади.

Тўртинчидан, ақлий қобилиятларнинг ривожланиши маҳсус воситаларни – мазмуни бўйича оптималь мураккаб ва ақлий меҳнатнинг рационал кўнинмаларини шакллантириши керак бўлган ривожлантирувчи топшириқларни кўзда тутади. Бундан индивидуал ёндашув таълимда ўқитишининг мос таълим воситаларига зарурат келиб чиқади.



Аммо таълимда индивидуал ёндашув талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш билан ўқув жараёнини ҳар бир талабанинг индивидуал сифатларига мослаштириш билан чекланмайди. У ҳар бир талабада индивидуал педагогик-психологик билимларни ривожлантириш, яъни педагогик тарбиявий қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий таъсир этувчи омиллар орқали ёрдам кўрсатишни англатади. Компетенциявий ёндашувга асосан таълимда индивидуал ёндашув муаммосининг айнан иккинчи жиҳати алоҳида долзарблиқ касб этади. Яъни, унинг ғоявий асоси бўлиб инсонни ўрганишга субъектив ёндашув ҳисобланади. Субъект бўлиш – шахс фаоллигининг ташаббускори бўлишни англатади.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини, ривожлантириш фуқаролик компетенциясини субъект сифатида қараш учта асосий қоида орқали муносабатни ўзгартириш зарурати туғилишига олиб келади:

- ✓ индивидуал хулқининг олдиндан аниқланганлиги (ҳар бир талабанинг индивидуал танлов ҳуқуқини тан олиш ва мос равища инсоннинг қатъий прогнозлаш ва талабанинг ўқув фаолиятини мақсадга мувофиқ бошқаришидан воз кечиш);
- ✓ шахс қадриятлари (талаба хулқининг аниқ жиҳатларига нисбатан баҳолаш мезонларини сақлаган ҳолда, талабаларнинг қобилиятларини баҳолаш жиҳатидан уларни яхши – ёмон мезони бўйича ажратишдан воз кечиш);

✓ индивидуал имкониятларнинг нодирлиги (талабанинг алоҳида, фақат унга хос бўлган сифатларга ва ўз ривожланишининг индивидуал ўзига хос имкониятларига эга бўлган бошқа инсон сифатида қабул қилишга тайёрлик) [2; 4-6].

Талаба шахсига таъсир этувчи омилларнинг интеграцияланиши ижтимоий фаол фуқаролик сифатларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари учун фуқаролик вазиятининг барқарорлигига таъсир этувчи маҳсулдор, дивергент, танқидий фикрлашни шакллантиришни таъминлаш зарур. Мазкур муаммони ҳал этишнинг энг самарали воситалари маҳсулдор, ижодий вазифалар ҳисобланиб, уларни ўқув машғулот вақтида ҳамда машғулотдан ташқари ишларни ташкил этишда қўллаш мумкин. Шу муносабат билан биз учун репродуктив принцип асосида қурилган ўқув топшириқлари умуман бефойда бўлиб кўринади. Олинган маълумотларни содда қайта ифодалаш биз учун зарур бўлган фикрлаш турини шакллантиришга олиб келмайди, шунга кўра, биз талабанинг билишга оид фаолиятини, унинг билишга оид фаоллигини, ижодий, ностандарт вазиятларда аниқ мақсад вазифалар қўйган ҳолда муаммоли вазиятларни ечиш учун билимларни эгаллаш ва эгалланганларидан фойдаланишини кўзда тутадиган ўқув топшириқлари турларига таянган ҳолда ташкил этишимиз керак.

Бизнинг тадқиқотимизда талабаларнинг ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шат-



шароитлари индивидуал ривожланиш сифатлари билан интеграцияланади. Мазкур жараённинг амалга оширилишини кўриб чиқиш бизга ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларда индивидуал ёндашув

омиллари тўғрисида тўлиқ тасавурга эга бўлиш имконини беради.

2.1. Жадвал.

Талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари:

Талабаларида ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари

талабаларнинг ўкув машғулот ва машғулотдан ташқари фаолиятда (волонтиёрлик фаолиятида, машғулотда олган билимларни мустақил ўз устида ишлашида) талаба шахси индивидуал сифатларининг барча соҳаларини ривожлантириш;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси компоненти ҳисобланган талабаларнинг педагогик - психологик сифатларини ривожлантиришда таълим мазмунининг имкониятларини ошириб бориш;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнида талабаларни педагогик – психологик қўллаб – қувватлаш орқали индивидуал ёндашув тамойилларига таяниш;

ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантиришда фаол фуқаролик компетенцияси компонентлари даражаларининг доимий мониторингини олиб бориш;

ўкув ва ижтимоий лойиҳалаш (волонтёрлик ҳаракатлари, семинар теринглар, фаол фан клублари) фаолияти давомида талабанинг ўзини-ўзи кўрсатиб бориш учун имконият яратиш;

талаба индивидуал сифатларини ривожлантириш орқали ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш жараёнини тахлил қилиш;

таълим муассасасининг ўкув-тарбия жараёнида маънавий, ахлоқий тарбиявий машғулотлар ташкил этиш, талабаларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз ташаббус фаол фуқаролик фаолияти билан билим, кўнкимга ва малакаларни мувофиқлигини таъминлаш;



Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”[2]ги Қонунида “шахснинг касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришга тайёргарлигини ифодалайдиган, маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат билан тасдиқланадиган билим, қобилият, маҳорат ва кўникмалар даражаси[2]” давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида талқин этилади.

Талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик шартшароитлари[4; 98-б.] “Нима? Қаерда? Қачон?”, “Қарорларни қабул қилиш шажараси” каби интеллектуал ўйинлари ажойиб имконият ҳисобланиб, уларни дарсдан ташқари иш сифатида ташкил этиш мумкин. Мазкур ўйин ўз ҳатти-ҳаракатларини кичик гуруҳда мувофиқлаштириш кўникмаси билан, берилган вазифаларни мустақил ечиш учун турли хил соҳаларда кенг билимлар доирасини жалб этишни талаб этади. Нима? Қаерда? Қачон? саволлари барчани аниқ билимлар асосида ташкил этиш орқали саволларга тўғри жавобни талаб этадиган, яъни репродуктив хусусиятга эга бўлган турли хил

беллашувлардан тубдан фарқланади. Мазкур интеллектуал ўйинда саволлар кўпинча умуммаълум бўлган далилларга асосланган, аммо муайян фикрлаш амалларини талаб этувчи мантиқий топишмоқларни ифодалайди, яъни улар продуктив хусусиятга эга ҳисобланади. «Нима? Қаерда? Қачон?» интеллектуал ўйини учун кенг дунёқарашибга ва энциклопедик билимларга эга бўлиш фойдали, аммо мазкур билимларни қўллаш: таққослаш, асосийни ажратиш, умумлаштириш, ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибатли алоқаларни аниқлаш янада муҳим ҳисобланади. Жамоада ривожланган таҳлилий сифатларга эга иштирокчилар муҳим ўрин тутади, чунки муҳокаманинг энг муҳим жиҳати тўғри вариантни танлаш, нотўғри вариантларни ажратиш ҳисобланади. Иштирокчилар учун жамоавий фикрлаш фаолияти, гуруҳда ишлаш малакалари зарур ҳисобланади. Умуман олганда ўйин методикаси ижодий фикрлашни тизимли машқ қилиш ва уни фаоллаштириш учун кенг қўлланадиган анаъанавий “ақлий ҳужум” орқали ривожлантиришнинг педагогик технологиялари ёритиб берилган[4].

References:

1. Халқ сўзи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий Мажлисга Мурожаатномаси” 2020 й. 25 январь №-19 сон
2. М.Зверевой. В.Занкова, Индивидуальные варианты развития младших школьников // Под. ред. Л.В.. - М., 1973. - С. 4
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // ЎРҚ-637-сон
4. Холиқов Э., Худойқулов Х.Ж. ва бошқалар. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДАИ, 1999. – 98 б.
5. Abdug‘aniyev, O. (2019). Talabalarning fuqarolik kompetensiyasini rivojlantirish. Sharqiy Yevropa ilmiy jurnali , (1).